# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 24-OKTABR, JUMA, 127 (8364)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 193 мамлакатни бирлаштирган энг йирик халқаро муассасадир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан олти ой ўтиб – 1992 йил 2 март куни ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлди. БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида давлатимиз байроғи мағрур ҳилпираб турибди. 2



Мўл ҳосил – юксак даромад учун омил бўлмоқда. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб, янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ортаяпти. Ишчи-хизматчиларга муносиб меҳнат шароитлари яратилган. 3



Юртимизда “Шуҳрат” медали соҳиби Шуҳрат Бозоров сингари она Ватанга ҳамда халқига фидойи, ўз касбининг устаси бўлган милиционерлар жуда кўплаб топилади. Улар юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаёт кечиришлари учун жонини фидо қилишга тайёр. Демак, кунларимиз осойишта, тунларимиз ҳамиша бехавотир бўлаверади. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Раджабов Джўра Одилович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси штаб бошлиғи

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Джураев Муроджон Турдибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Жумабаев Ерназар Абдикадирович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони командири

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абраев Гайрат Рамазанович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

**Хен Эдуард Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Хожаназаров Сатбай Бектурсинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Равшанов Кенжа Кулдашевич** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи

**Эшбаев Баҳром Холбоевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Илхом Сайфутдинович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Бадалов Бекмурод Давлаталиевич** — Наманган вилояти Уйчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Байматов Хасан Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Жуманиязов Мурат Айтмуханбетович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исмоилов Улуғбек Нематович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Кудратов Вахоб Холматович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

**Нуркулов Обиджон Алимжонович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

**Рахимов Бахтиёржон Йўлдашович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Самадов Жалол Мавлонович** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Ташпулатов Рустам Абдумажитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Гаффаров Комилжон Исраилович** — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси терговбўлими бошлиғи

**Ғозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Джалалов Фарход Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Жуманазаров Мухторбек Маткаримович** — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Исмаилов Бахтиёр Тухтасинович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

**Каримова Гулрух Расуловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тиббиёт бўлими катта инспектор-шифокори

**Саиткаримов Фахриддин Пазлитдинович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Тошпўлатов Қобил Абдумуротович** — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Хаклиев Валижон Бадалович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра доценти

**Шахакимов Шоасрор Шамурадович** — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиғи

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Кодиров Улугбек Мирзаевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бўлинма командири

**Мирзаев Ёкутжон Исроилжонович** — Фарғона вилояти Бағдод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Рашитов Маъруфжон Бахтиёр ўғли** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси инспектори

**Тангриев Жамшид Олимович** — Бухоро вилояти Коғон шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

**Умаров Неъматулла Асатуллоевич** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинма бошлиғи

**Худаков Кутлимурат Каландарович** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ёнғин ўчирувчиси

**Шокиров Илхомжон Муродалиевич** — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 23 октябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ

**АШХОБОД, 23 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 23 октябрь куни расмий ташриф билан Туркманистонга келди.

Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркманистон давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган «Сердар» ҳукумат қароргоҳига йўл олди.

Дастурга мувофиқ расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 24 октябрь куни бўлиб ўтади. Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланади.

**ЎзА**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

***Аввал хабар берилганидек, 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Абдуҳакимов маъруза қилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури туман ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари, барча даражалардаги ҳокимликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектларининг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Дастурнинг мақсади – демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Мажлисда таъкидландики, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз кўрсаткичлари ҳудудларни, хизматлар ва сервис соҳасини ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш, қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва пудрат қурилиш ишларини амалга ошириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларининг рўёбга чиқарилишини инобатга олган ҳолда, бандлик ҳудудий тузилмасининг даражасини ошириш ва такомиллаштиришга, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатлилигини таъминлашга қаратилган. Дастур доирасида келгуси йилда ҳудудлар ва йўналишлар бўйича 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш ва 725,9 минг кишининг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Хоразм Вилояти

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ДИЁРИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида ҳудудлар инфратузилмаси ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Бунда барча қурилиш ва пардозлаш материаллари юртимизда ишлаб чиқарилаётгани, соҳа корхоналари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётир.**



Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Ана шундай рағбат ва эътибор самарасини Урганч туманидаги “Диана восток” масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон ва Туркманистон ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур қўшма корхонада йигирмадан ортиқ турдаги эшик ва ромлар ишлаб чиқарилаётир.

Турли дизайн ва ҳажмдаги бу маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Корхона жамоаси жорий йилда Қўшкўпир, Шовот, Ҳазорасп туманларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар учун замонавий эшик ва ромлар етказиб берди.

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хорижий ишбилармонлар фаолияти учун қулай сармоявий муҳит яратилгани, мебелсозлик корхоналарига солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, – дейди қўшма корхона раҳбари В.Воробьёв. – Тадбиркорларга кўпроқ эркинлик берилиб, лицензия ва рухсатнома бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилгани инвестициялар оқимини кўпайтириш, Ўзбекистонда чет эллик сармоядорлар иштирокида янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этиш имкониятини кенгайтираётир. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон кенг имкониятлар диёридир.

Корхона ишчиларининг аксариятини ёшлар ташкил этади.

– Коллежни битириб, уч томонлама шартнома асосида шу ерга ишга жойлашдим, – дейди Жасурбек Иброҳимов. – Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг чиройлилигини кўриб, ўзимиз ҳам хурсанд бўламиз.

Корхона жамоаси ўзининг сифатли ва харидоргир маҳсулотлари билан юртимизда ўтказилаётган кўргазма ва танловларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

>>> 24 октябрь – БМТ ташкил топган кун

# Ўзбекистон – БМТ: ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 193 мамлакатни бирлаштирган энг йирик халқаро муассасадир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан олти ой ўтиб – 1992 йил 2 март куни ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлди. БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида давлатимиз байроғи мағрур ҳилпираб турибди.***



Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлиги кенг қамровли. Президентимиз Ислом Каримовнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан ва санъатни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

БМТ фаолиятининг энг муҳим йўналиши дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тинчликка таҳдидларнинг олдини олишдир. Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган тинчликпарвар сиёсат бу эзгу интилишларга таянч бўлмоқда, куч-қувват бағишламоқда. Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилиши тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Президент Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалдаги натижаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун мамлакатимиз тинчликсевар сиёсатининг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур концепцияда Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, давлатлараро алоқалар ва ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил этиши баён қилинган.

Мамлакатимизда БМТнинг қатор таркибий тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Тараққиёт дастури, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик. Юртимиздаги кўплаб тарихий-маданий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Президентимиз томонидан асос солинган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали маданият ва санъатни ривожлантириш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда иштирок этган ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизен ЮНЕСКО учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим тадбирни ташкил этгани ҳамда таълим-тарбия, илм-фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларини ривожлантиришга қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Шу йилнинг 6 июнь куни пойтахтимизда “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро форумда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, қирқдан ортиқ мамлакатдан етакчи эксперт ва ишбилармонлар иштирок этди.

Анжуманда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силва нутқ сўзлади. Конференция арафасида Тошкентда ушбу халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси очилди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини жорий этишга ихтисослашган мазкур ваколатхона Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада кенгайтирди.

*Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.*

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 17-моддасидан.**

Мамлакатимизда халқаро туризм изчил ривожланмоқда. Бунда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган. Самарқандда ЮНВТОнинг Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш бўйича минтақавий маркази фаолият юритмоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг яна бир ифодаси бўлди. Президентимиз ушбу сессияда нутқ сўзлади. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи мамлакатимизнинг туризм салоҳиятига, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида соҳани янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Мазкур халқаро анжуман жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан имкониятлари билан таништириш, хорижнинг туризм компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, чет эллик мутахассислар билан фикр ва тажриба алмашишда муҳим босқич бўлди.

2010 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Оролбўйида бўлиб, у ердаги экологик бўҳрон оқибатлари билан бевосита танишган эди. Ушбу ташриф якунлари бўйича тайёрланган Орол денгизи инқирози оқибатида зарар кўрган аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш бўйича қўшма дастурни амалга ошириш ўзаро ҳамкорликнинг яна бир устувор соҳасига айланди.

Мамлакатимизда Амударё ва Сирдарё сувидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига тежамкор технологияларни жорий этиш, Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан таклиф этилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури» БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Октябрь ойи охирида Урганч шаҳрида бўлиб ўтадиган “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватлангани ҳам Ўзбекистон ва БМТнинг интилишлари муштарак, саъй-ҳаракатлари ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон тинчлик тарафдори, ҳамкорлик ташаббускоридир. Бундай эзгу сиёсат барчага манфаат келтиради, умумий тараққиётга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

---

# ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Умуман олганда, дастурнинг бажарилиши 987,5 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишига кўмаклашади. Бунда таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга доир фаол ҳамда аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тармоқ дастурларини инобатга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилди. Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг талабларига ва ушбу соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим устуворликларидан бири, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим шарти эканлигини таъкидладилар. Дастур янги объектларни ишга тушириш, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ва улардан тўлароқ фойдаланиш, саноатда, қурилишда, хизматлар ва сервис соҳасида кичик бизнесни жадал ривожлантириш, инфратузилмавий, коммуникацион ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш, касаначилик имкониятларини ривожлантириш, бекор турган корхоналарни тиклаш ҳисобига зарур миқдорда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган.

Депутатлар Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кейинги олти йил давомида мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланаётганлигини алоҳида қайд этдилар. Қонунчилик палатаси қўмиталари дастурнинг ижросини алоҳида назорат остига олган. Бунинг натижасида дастур барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, экспертлар, турли соҳа мутахассисларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шу сабабли, дастур аҳолининг турли қатламлари ва кенг жамоатчилик доирасининг манфаатлари акс этган ноёб ҳужжатдир.

Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш доирасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар** партиянинг сайловолди дастурида, энг аввало, қишлоқ ёшларини ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали бандлик масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилганлигини қайд этдилар. Фракциянинг фикрича, мазкур ёндашув тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг ташкил этилиши имкон қадар қулай тадбиркорлик муҳитининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқлигига асосланади. Фракция ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўз электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дастурни кўриб чиқишда айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари меҳнат бозорини янада ривожлантиришнинг самарали омиллари сифатида бандликнинг турли шаклларини, айниқса, кичик бизнесни, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Имкон қадар қулай ишчанлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларига, истеъмол товарлари бозорида талабга эга ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш дастурларига мувофиқ иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнеснинг ролини янада ошириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали қўйилган вазифани ҳал этиш назарда тутилмоқда.

Қишлоқда, айниқса, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши **кейинги йилда 127,5 мингдан зиёд кишини иш билан банд қилиш имконини бериши** таъкидланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни олган ихтисослиги бўйича иш ўринлари билан таъминлашга урғу бердилар. Шу муносабат билан **бўш турган ва захираланган иш ўринлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларининг 487,7 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш** дастурнинг муҳим йўналиши эканлиги қайд этилди.

Мажлис чоғида бандлик ва халқ фаровонлигини ошириш масалаларининг ҳал этилиши учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди. Ўзбекистон ХДП фракциясининг таклифига кўра, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг ишчи комиссиялари томонидан бандлик ҳудудий дастурлари бажарилишининг бориши мунтазам равишда, ҳар ойда, тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва тармоқ жадваллари асосида кўриб чиқилади ва тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Ишсизларнинг, шу жумладан, меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, мустақил тарзда ишга жойлашиш учун иш жойини танлашга доир бепул маслаҳатлар бериш ҳам назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, бу дастур бажарилишининг боришини реал вақт режимида мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда тасдиқланган мезонлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларни аниқлаш, дастурнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг вакиллари** ўз амалий фаолиятларида ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини тиклаш орқали бизнесга кўмаклашишга, ички истеъмол ва экспортнинг оширилишини таъминлашга, ҳунармандчилик, сервис ва туризмни ривожлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилишларини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, асосан миллий ҳунармандчиликнинг анъанавий марказлари бўлмиш минтақаларда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида оилавий тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир ишларни давом эттириш зарур.

Оилавий тадбиркорлик шароитида иш куни вақтини тузиб чиқишда ҳам, меҳнатни тақсимлашда ҳам фаолиятни ташкил этишнинг бошқа шаклида имкони бўлмаган оқилона қулайлик имконияти мавжуд, бу эса ёш болали аёллар ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган бошқа тоифадаги шахсларни ишлаб чиқаришга қисман жалб этиш имконини беради.

Бундай диққат-эътибор туризмни янада ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Фракция аъзоларининг ишончи комилки, ушбу соҳада кўплаб фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу соҳани ривожлантириш мазкур тармоқда иш билан банд бўлганларнинг сонини ошириш ва аҳоли даромадларини юксалтириш имконини беради.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг аъзолари** иш ўринларига катта эҳтиёж сезилаётган минтақаларда иш ўринларини кўпайтиришга, шунингдек, ташкил этилаётган иш ўринларига, энг аввало, қишлоқ жойлардаги аёлларни, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жойлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фракция вакилларининг ишончи комилки, инновацион технологиялар соҳасини ривожлантириш, касбга қайта йўналтириш ҳисобига ёшларни ишга жалб қилиш, шунингдек, ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш муҳим йўналишлардан биридир.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, амалдаги корхоналарни технологик жиҳатдан янгилашда юқори технологияларни жорий этиш масалаларига эътибор қаратиш, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам, хизматлар соҳасида ҳам инновацион технологиялардан кенгроқ фойдаланиш муҳимлигини таъкидладилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркалари бандликка кўмаклашишнинг самарали усулидир. Ушбу ярмаркаларнинг мақсади иш излаётган фуқароларни таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништиришдан, шунингдек, уларга меҳнат бозори, ходимларга эҳтиёж сезаётган корхоналар, мавжуд бўш иш ўринлари асосида ишга жойлашиш, қайта таълим олиш имкониятлари тўғрисида энг тўлиқ ахборот тақдим этишдан иборатдир.

**Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар** дастурда мамлакатимизда кўплаб турдаги экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналарни ҳам, хусусий сектордаги корхоналарни ҳам ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилганлиги муҳим эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, хизматлар соҳасида янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари асосида бандлик масалаларини ҳал қилиш эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга доир ишларни кенгайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарасини янада юксалтириш муҳимлиги ҳам қайд этилди. Уларнинг фикрича, ушбу нуқтаи назардан табиатни ифлослантиришни истисно этадиган технологиялардан янада тўлиқроқ фойдаланиш ва уларни жорий этиш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

---

Сирдарё Вилояти

*Мамлакатимиз энергетика тизимининг йирик корхоналаридан бири — “Фарҳод” ГЭС 2014-2016 йилларда тўлиқ модернизация қилиниб, техник ва технологик янгиланади.*

## КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШАДИ

Бу ерда айни чоғда мукаммал таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

— Шу кеча-кундузда станцияда 1-гидроагрегат мукаммал таъмирдан чиқарилмоқда, — дейди корхона ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи Анвар Ўрозов. — Таъмирлаш ишларини “Ўзбекэнерго” ДАКга қарашли асосий пудратчи “Энерготаъмир” ОАЖ инженер-техник ходимлари ҳамда “Ўзбекэнергосозлаш” ва “ОРГРЭС” корхоналари жамоалари амалга оширишмоқда.

— Гидроагрегатнинг барча қисмлари — генератор, трансформатор, қўзғатувчи қисмлар ва иккиламчи коммутация жиҳозларини таъмирдан чиқаряпмиз, — дейди таъмирчилар гуруҳи бошлиғи Нажмиддин Жалолов. — Бу ишларга 40 нафар таъмирчи жалб этилган.

Сифатли таъмирланган агрегат ўз вақтида ишга тушса, куз ҳамда қиш ойларида аҳоли хонадонлари, ташкилот ва муассасаларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконияти яратилади ва корхона қуввати ошиб, электр энергияси ишлаб чиқариш янада кўпаяди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

---

Бухоро Вилояти

## ТАЪМИНОТ ҲАР МАВСУМДА БАРҚАРОР



«Ғарбгазтаъминот» унитар корхонаси Бухоро ва Навоий вилоятларидаги газ истеъмолчиларига хизмат кўрсатади. Айни пайтда корхона жамоаси куз-қиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Ўтган мавсумнинг таҳлиллари аҳолининг табиий, хусусан, суюлтирилган газга бўлган талабини қондириш борасида муаммолар борлигини кўрсатди, – дейди корхона раҳбари Умид Ширинов. – Яъни жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган хатлов натижаларига кўра, Бухоро вилояти бўйича 71 минг 594 та хонадонни суюлтирилган газ билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, айни кунгача бу хонадонларнинг барчаси корхона мутахассислари томонидан белгиланган техник талаблар асосида суюлтирилган баллонли газга мослаштирилган. Йил охиригача яна 19 минг 994 та хонадонни шу тартибда суюлтирилган газга мослаштириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда корхона ихтиёрида суюлтирилган газга мослаштирилган 51 минг 600 та хонадон учун етарли миқдорда, яъни 54 минг 509 та айланма газ баллонлари мавжуд.

Ушбу суюлтирилган газ баллонларини аҳолига ўз вақтида етказиб бериш мақсадида корхона автосаройига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 21 дона “ISUZU” ва 2 та “MAN” русумли замонавий махсус автомашиналар харид қилинди.

– Суюлтирилган газ баллонларни тарқатиш бўйича ишлаб чиқилган тизим ҳозирда ўзини тўла оқлаяпти, – дейди Пешку туманидаги “Қорақалпоқ” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Таваккал Муяссаров. – Ҳудудимиздаги 1162 та хонадон ўз вақтида суюлтирилган газ билан таъминланмоқда.

Албатта, аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ромитан ва Қоракўл туманларида 2 та янги газ тўлдириш пунктларини қисқа вақт ичида қуриб, ишга тушириш борасида иш олиб борилмоқда.

Корхонада истеъмолчиларга куз-қиш фаслида табиий газ етказиб беришни янада яхшилаш учун 10,6 километр узунликдаги газ қувурлари реконструкция қилинди. 373,2 километр узунликдаги қувурлар босим остида синовдан ўтказилди. 7,3 километр узунликдаги қувурлар эса мукаммал таъмирланиб, 5910 та газ маромлаш пунктлари тегишли кўрикдан ўтказилган.

Мухтасар айтганда, “Ғарбгазтаъминот” унитар корхонаси мутахассислари мавжуд муҳандислик тармоқлари ва технологик ускуналарни жорий йил куз-қиш мавсумида бир маромда барқарор ишлаши учун тайёрлаб қўйишди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Наманган вилояти

# ҚАДР ТОПГАН МЕҲНАТ МАҲСУЛИНИ БЕРАДИ

**Поп туманидаги «Тошпўлат Турғунбой Расулжон» фермер хўжалиги экин майдонлари туманнинг Санг ва Тўда қишлоқлари оралиғида жойлашган. Фермер хўжалиги раҳбари Дилором Раҳматова санглик бўлиб, узоқ йиллардан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб келади.**



Дилором Раҳматова ўз фаолиятини механизаторликдан бошлаб, кўп йиллар пахта териш машинасини моҳирона бошқарган. Кейинчалик ўзи каби ёшлар бригадасига бошчилик қилган. Мустақиллик шарофати билан фермер бўлиб, пахтачилик ҳамда ғаллачилик соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётир.

Хўжаликка қарашли экин майдони 55 гектарни ташкил этади. Жорий йилда 34,5 гектар майдонда "С-6524" навли ғўза парваришлаган хўжалик аъзолари биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 36,7 центнердан ҳосил олишди. 21 гектар майдонга экилган ғалла ҳосилдорлиги 70 центнерни ташкил этди.

Айни кунларда хўжалик далаларида пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосилини мисқолигача қолдирмай йиғиштириб олиш, келгуси йил ҳосили учун экилган 22 гектар майдондаги буғдой майсаларини парваришлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

– Жорий йил хўжалигимиз аъзолари учун ҳар томонлама қувончли воқеаларга бой бўлмоқда, – дейди фермер хўжалиги механизатори Валижон Исоқов. – Истиқлолимизнинг йигирма уч йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар қаторида фермер хўжалигимиз раҳбари Дилором Раҳматова ҳам "Меҳнат шуҳрати" орденига лойиқ кўрилди. Бу кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб, бизни фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирди. Пахтачиликда ҳар бир гектар майдондан ўртача 40 центнердан ҳосил олдик. Ялпи пахта хирмонимиз 138 тоннадан ошиб кетди. Ушбу меҳнат ютуқларини қўлга киритишда ҳамкасбим Бахтиёр Раҳмонов, сувчилар Алижон Ашуралиев, Роҳатали Турдиев, хўжалик аъзолари Санобар Худойберганова, Майнахон ва Жамилахон Раҳмоноваларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Мўл ҳосил – юксак даромад учун омил бўлмоқда. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб, янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ортаяпти. Ишчи-хизматчиларга муносиб меҳнат шароитлари яратилган. Дала шийпони мукаммал равишда таъмирланиб, деҳқоннинг чинакамига иккинчи уйига айлантирилди.

Бундан ташқари, маҳалладаги кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларга моддий жиҳатдан кўмак бериб келинмоқда. Маҳалла ободончилиги йўлида фермер хўжалиги томонидан тўрт километрли ички йўлларнинг таъмирлангани, табиий газ ҳамда тоза ичимлик суви тармоқларини янгилашга маълум миқдордаги маблағларнинг сарфлангани қишлоқ аҳлини ҳам ғоят қувонтирмоқда.

Дилором Раҳматова нафақат уста пахтакор, омилкор фермер, балки ибратли оила бекаси, меҳрибон она ҳамдир. Турмуш ўртоғи Расулжон ака Раҳматов билан бир ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Ҳалол меҳнати ортидан дастурхон ёзиб, тўйлар қилишмоқда.

Дилором Раҳматованинг самарали меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор" фахрий унвони ҳамда "Меҳнат шуҳрати" орденининг унга берилиши илғор пахтакорнинг аграр тизимда қўлга киритган муваффақиятлари ифодасидир. Зеро, юрт фаровонлиги йўлида ҳалол ва астойдил қилинган меҳнат ҳеч қачон беиз кетмайди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

*Корхоналарни халқаро стандартлар талаблари бўйича сертификатлаштириш уларга халқаро бозорларга чиқиш имконини яратиб беради. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш режалаштириш, таҳлил қилиш, ўқитиш, ички аудитлар ўтказиш, турли ўзгарувчан шароитларга мослашиш, вақтдан тежамли фойдаланиш, товар ва хизматлар сифатини яхшилаш каби аниқ мақсадларга эришишни назарда тутади. Албатта, бундай чора-тадбирларни амалга оширишда корхона бошқарув тизимини такомиллаштириш, мутахассисларнинг билим ва тажрибаларини мунтазам ошириб бориш, ходимлар билан ишлаш ҳамда иш тақсимотини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.*

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Бизнесни ривожлантиришга қаратилган мақсадларни амалга оширишда корхоналарда ISO 9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этиш муҳим саналади. Чунки бу тизим корхонанинг ташкилий тузилиши, бизнес жараёни ва фаолиятининг аниқ кўринишини, хизмат бобидаги ваколатлар, жавобгарлик ва ўзаро алоқаларнинг аниқлигини таъминлайди.

Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган республикамиздаги саноат корхоналарида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимини босқичма-босқич жорий этишга доир дастур ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар асосида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, сертификатлаштиришни режалаштирган хўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда турли хил имтиёз ва чегирмалар берилмоқда. Шунингдек, юртимиз қонунчилигида лаборатория тадқиқотлари ва маҳсулотни синовдан ўтказиш мақсадида олиб келинаётган технологик ускуналар сифат бошқаруви тизимини жорий этиш даврида акциз солиғи, қўшимча қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод қилиниши ҳам белгиланган.

Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассислари томонидан корхоналарга халқаро стандартлар талабларини жорий этиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, бугунги кунгача "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонаси, "Нукус вино заводи", "Халқобод моғи", "Хўжайли толаси", "Юлдуз", "Тўрткўл оқ олтини", "Тахиатош дон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Нукус Балиқ", "ORIENT TEXNOLOGY", "Элликқалъа шароби", "Муратбек Мебель", "Интер Фарм", "Нукус темир бетон буюмлари заводи" ва "Тахиатош темир бетон" каби корхоналарга сифатни бошқариш тизими бўйича мувофиқлик сертификатлари берилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу борадаги саъй-ҳаракатлар келгусида ички ва ташқи бозорни сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлардан ҳимоялаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, экспорт ҳажмини кенгайтириш ҳамда ҳудудий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни халқаро стандартлар асосида амалга оширишга хизмат қилади.

**Баҳодир САПАРОВ,**
*Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси Сифат тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи.*

Фарғона вилояти

▼ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# ЯНГИЛИК САМАРАСИ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

*"Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси янгиликларни жорий қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришда муайян тажриба тўплаган. Жумладан, жамоа томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа технологияларни амалиётга жорий этиш борасида бир қатор ишларни олиб бормоқда.*

Жорий йилда вилоятда 58 та фермер хўжалиги далаларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш белгиланган эди. Шу билан бирга, 37 та фермер хўжалигида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологияси, 81 та фермер хўжалигида эгатга плёнка ёзиб суғориш технологияси ўрнатилиши режалаштирилган эди.

Мазкур технологияларни жорий қилиш бўйича вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ХАЖ билан "Жиззахпластмасса" ОАЖ ўртасида шартнома имзоланиб, 172 гектарга 10,8 тонна қора плёнка ва 152 гектарга 10 комплект эгилувчан қувур олиб келинди. Ёзёвон туманидаги "Асқар А" ва "Фар Қумқишлоқ" фермер хўжаликларида 20 гектар, Учкўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари" фермер хўжалигида 6 гектар, Фурқат туманидаги "Етти жило" фермер хўжалигида 20 гектар ғўза майдонларини эгилувчан қувурлар ёрдамида ҳамда Ёзёвон туманидаги "Фар Қумқишлоқ", "Мусин Аҳмедов", "Фар Қоракўл", "Асқар А", "Фар Мерож" фермер хўжаликлари 2 гектардан жами 10 гектар, Учкўприк туманидаги "Учкўприк Бирдамлик боғи" фермер хўжалигида 8 гектар, Фурқат туманидаги "Етти жило" фермер хўжалигида 13 гектар майдонда қора плёнка тўшаб суғориш технологияси жорий этилди.

Вилоятда бугунги кунда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича 19 та фермер хўжалиги билан пудратчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузилиб, 214,6 гектар майдон учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган ва қурилиш ишлари бошланган ҳамда 203 гектар майдонда янги технология ишга туширилган. Жумладан, Қува туманидаги 6 та фермер хўжалигида 39 гектар, Олтиариқ туманидаги 5 та фермер хўжалигида 41 гектар, Риштон туманидаги 3 та фермер хўжалигида 27 гектар, Фарғона туманидаги 1 та "Агрофирма"да 75 гектар, Бағдод туманидаги 2 та фермер хўжалигида 15 гектар, Қувасой шаҳридаги 2 та фермер хўжалигида 7 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилиниб, янгилик самараси кўзга ташланмоқда.

– Ушбу технология жорий этилгач, фермер хўжаликларида ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди, – дейди "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Аъзамжон Раҳматуллаев. – Келгусида томчилатиб суғориш технологиясини яна кўплаб фермер хўжаликларига татбиқ этмоқчимиз. Бу ҳам сувни тежаш, ҳам меҳнат сарфини камайтириш баробарида ҳосилдорликни кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида жойларда гидропостлар ўрнатилмоқда.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ Реклама ўрнида

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДА МУНОСИБ ҲИССАМИЗ БОР, ФАОЛИЯТИМИЗ РАВНАҚИДА ЭСА БАНКНИНГ МАДАДИ КАТТА

IPOTEKA BANK

**Айни пайтда юртимизнинг қай гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар, таълим муассасалари юртимиз жамолини яшнатмоқда.**

Бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, қурилиш ашёларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Ана шу омилларни ҳисобга олиб, тадбиркорлигимизни қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга йўналтиргандик.

Корхонамизда маҳаллий хомашёдан турли хилдаги қурилиш маҳсулотлари – металл эшиклар, темир панжаралар ҳамда дераза ромлари ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида кредит сўраб, ўзимиз мижоз бўлган молия муассасаси – "Ипотека-банк"нинг Юнусобод туманидаги филиалига мурожаат этдик.

Банк ходимлари сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, бизга 91 миллион сўм кредит маблағи ажратди. Ушбу олинган кредит эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтирдик, маҳсулот тури ва сифатини яхшилаб, уларни истеъмолчиларга етказиб бермоқдамиз.

"Ипотека-банк"нинг ҳар томонлама мадади корхонамиз фаолиятига муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам банкнинг кўмагида ишлаб чиқариш салоҳиятимизни янада оширамиз.

Умуман олганда, банк бизнинг яқин маслаҳатчимиз, яқин ҳамкоримиз, хайрли ишларда мададкоримиз. Мана оддий исботи: банк жамоаси бизни нафақат кредит бериш билан қўллаб-қувватлаяпти, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, молиявий маблағларни бошқаришда маслаҳат бериш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот маркетингини ташкил этишда ҳам кўмаклашмоқда.

**Ф.АЛИМУҲАММЕДОВ,**
*Юнусобод туманидаги "Mega sektor" масъулияти чекланган жамияти раҳбари.*

○ Реклама ва эълонлар

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

EKSPRESS INFORM SAVDO

«Ekspress Inform Savdo» риэлторлик агентлиги

СИЗЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 22 октябрдаги 330/ас-ер сонли буйруғига асосан 2014 йил 25 ноябрь куни соат 10:00 да Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Савдога қуйидаги объектлар қўйилмоқда:**

Наманган вилояти Наманган тумани "Охунбобоев" ҚФЙ "Олахамак" МФЙ "Туркистон" ММТП ҳудудидан 14 та (1 – 14) ҳар бирининг ер майдони 0,04 гадан бўлган, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 400 000 (тўрт юз минг) сўм, закалат пули 100 000 (бир юз минг) сўмдан;

Наманган вилояти Чуст тумани "Баймоқ" ҚФЙ "Истиқлол" МФЙ 394 – контурда жойлашган 30 та (7, 8, 14, 27-35, 37, 38, 41, 44-47, 49-57, 59, 60), Чуст шаҳри "Мустақиллик" МФЙ ҳудудидан 9 та (43, 44, 47-49, 63-66), Чуст тумани "Гова" ҚФЙ ҳудудидан 6 та (1, 2, 5-8) ер участкалари ҳар бирининг ер майдони 0,04 гадан бўлган, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 599 200 (беш юз тўқсон тўққиз минг икки юз) сўм, закалат пули 100 000 (бир юз минг) сўмдан.

Ер майдонлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария – экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасиниг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уй (Мўлжал: "Ўзагросуғурта" ДАСК Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон: (0-369) 227-20-23.

2014 йил 25 ноябрь кунги очиқ аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2014 йил 2, 9 ва 16 декабрь кунлари соат 10:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун закалат пулини «EIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Наманган филиалидаги (МФО 00224, СТИР 302118546, ҳ/р 20208000204940071001) ҳисобрақамига тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт ва СТИР (ИНН) нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Телефон:** (0-369) 227-20-23, факс: 227-14-62.

***Лицензия RR-0086***

**SOTILADI:**

**QOG'OZ**

**OFSET 55,70. 80 gr.**
**ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.**
**MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.**
**QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.**
**QOG'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.**

**Shuningdek, QALIN QOG'OZ**

**SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.**
**DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.**

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

**ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.**
**ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.**
**МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.**
**УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.**
**МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.**

**А также, КАРТОН**

**ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.**
**ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.**

Услуги оказывает: ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 009495-10, 09.10.2014 й.) рўйхатга олинган "FARXOD QUM SAVDO" ХК (ИНН 303066113) 22.10.2014 й.даги таъсисчининг 1-сонли қарорига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Даъво талаблари 1 ой муддат ичида Юнусобод т. Шухрат кўч. 48-уйда қабул қилинади.

Утерянные кадастр, план дома расположенного по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. Олчазор д. 141/2 выданные Сергелийским БТИ на имя Карабаевой Зарофат Рихсибаевны, считать недействительными.

Тошкент ш. Учтепа т. ДСИда (08.05.2014 й., реестр № 008427) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Шаюсупов Махсуджон Шамильевичга (ИНН 501730184) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т.да жойлашган Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи томонидан 1983 й.да Кузмина Нина Александровна номига берилган Д № 297304 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 1991 й.да Жамалов Муминхўжа Исмонхўжаевич номига берилган ФВ № 947600 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2008 й.да Хамидов Ильдар Вахитович номига берилган К № 1069500 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "LAZIZ-SAVDO" (ИНН 200834641) сообщает об уменьшении уставного фонда с 505 550 800 сумов до 252 775 400 сумов.

СП ООО "FARMAKOM" (ИНН 204131224) сообщает об уменьшении уставного фонда с 4 891 972,15 долларов США до 227 122,84 долларов США.

Тошкент ш. Яккасарой т.да жойлашган СП ООО "ICEBERG ASIA GROUP"га тегишли бўлган 4823-рақамли гувоҳнома (реестр № 1511), устав (№ 1511), таъсис шартномаси (№ 1511) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.









Жиззах вилояти

>>> 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни

# ОСОЙИШТА КУНЛАРИМИЗ, БЕХАВОТИР ТУНЛАРИМИЗ ПОСБОНИ

**Айдаркўлдаги ороларнинг бирини ўзиники қилиб олган ва шу ерда қонунга хилоф равишда браконерлик билан шуғулланаётган Умид А.нинг балиқчилар орасида «ҳурмати баланд» эди. Чунки унинг келбатли гавдаси шерикларини «ҳурмат» қилишга мажбур қилмай қолмасди. Қолаверса, Умид собиқ курашчи ҳам эди...**



Кунларнинг бирида ички ишлар бошқармасига Умиднинг устидан шикоят хати келиб тушади. Шикоят синчковлик билан ўрганилди. Натижада Умид А.нинг аниқ бир иш билан шуғулланмаслиги, кураш санъатидан хабардорлиги, ўзига ўхшаган шериклари билан хонадонларда мардикорлик қилиши ҳамда хизмат ҳақига келганда келишилгандан ортиғини талаб қилиб, хонадон эгаларига тан жароҳати етказгани маълум бўлди. Энг ачинарлиси, Умид бу каби жиноятларни содир этиб, қочиб юради. Умидни қўлга олиш учун зудлик билан ички ишлар ходимлари томонидан ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди жалб этилди.

Махсус гуруҳ Умид А.нинг "масками"га балиқ харид қилувчи сифатида ташриф буюришди. Бундан кўзланган асосий мақсад, жиноятчи уларнинг ким эканлигини сезиб қолмаслик эди. Балиқлар солинган қоп билан қайиқдан тушган браконерни ўзига нисбатан қад-қомати кичикроқ харидор кутиб олди. У қаршисида турган милиционерни ким ва мақсади нима эканлигини ички сезгиси орқали пайқади. Жуссаси кичикроқ бўлган қонун ҳимоячисини бир ҳаракатда мағлуб этишига унда шубҳа йўқ эди. Шу сабаб, унга жон-жаҳди билан ташланди. Аммо қўл жанги сирларини пухта эгаллаган ички ишлар ходими бўш келмади, у моҳирлик билан ҳимояланди. Эпчиллик ва маҳорат билан жиноятчини таслим қилди. Шу тариқа Умиднинг қўлларига кишан солинди. "Полвон"ни тинтишганида ёнидан узун ханжар чиқди. Шунингдек, оролдан қирқма милтиқ ҳам топилди...

Қочоқни вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ходими Шуҳрат Бозоров усталик билан қўлга олган эди. Бунгача Шуҳрат ўнга яқин хавфли жиноятчиларни тутиш ва зарарсизлантиришга муваффақ бўлган. Махсус отряд хизматчилари сафидан жой олиши ва жиноятчиликка қарши самарали курашишига унинг Она Ватанни севиши, унга бўлган муҳаббати сабаб, десак адашмаймиз. Пахтакор туманининг Оқбулоқ қишлоғида туғилиб ўсган Шуҳрат болалигидан спорт билан ошно тутинди. Ўрта мактабнинг 5-синфида ўқиб юрган кезлари бокс билан шуғуллана бошлади. Бўлажак милиционерга бокснинг сир-асрорларини ўрганишида республика ва халқаро мусобақалар чемпионларини тарбиялаган Баҳодир Мирзақулов мураббийлик қилди. Қонун ҳимоячиси мактабни тамомлаш арафасида Қўқон шаҳрида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган республика чемпионатида қатнашиб, кумуш медаль соҳиби бўлди.

Боксчи бўлиш орзуси уни пойтахтдаги олимпия захиралари спорт коллежига етаклади. Коллежда ўқиб юрган кезлари спорт устаси бўлди. Бу даврда Шуҳрат ўнга яқин мусобақалар ғолибига айланиб улгурган эди. Ўқишни битиргач қишлоғига қайтиб, тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс мураббийи бўлиб ишлай бошлади. Ёши улғайиб, мақсадлари ҳам ўзгарди. 2007 йили Ички ишлар вазирлигининг сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсига ўқишга кирди. Бир йилдан сўнг махсус отряд таркибидан жой олди. Хизмат давомида қўл жанги ва самбо билан шуғуллана бошлади.

— Ички ишлар ходимлари, айниқса, махсус отряд таркибида бўлганлар спортнинг қўл жанги ва самбо турларини пухта эгаллаб олган бўлишлари шарт, — дейди вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ғулом Маманазаров. — Шу мақсадда мазкур спорт турлари бўйича ходимларимиз ўртасида ҳар йили турли даражадаги спорт мусобақалари ўтказилади. Барчасида Шуҳрат фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунгача тўплаган медаль ва дипломлари сони 10 дан ортиқ. У ўта самимий йигит. Ўз олдига қўйган мақсад сари сабот ва ирода билан интиладиган бу ҳамкасбимиз сафдошларидан ёрдамини ҳеч қачон аямайди.

Отряд жойлашган махсус ҳудудда ходимлар жанговар тайёргарлик ўтказишлари, қурол-яроғлардан фойдаланиш малакасини кучайтиришлари ҳамда тактик ва сиёсий билимларини бойитишлари учун барча шароитлар яратилган. Ватанимиз посбонлари спорт залида ҳар куни 3 соат давомида спортнинг яккакураш турлари билан шуғулланишар экан. Амалиётлар эса турли ҳудуд ва шароитларда ўтказилади. Махсус гуруҳ аъзоларининг юз ифодасидан эл осойишталиги ишончли йигитлар зиммасида эканлигини яна бир карра ҳис этдик.

— Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, юртимга, халқимга, ота-онамга ва касбимга бўлган меҳр-муҳаббатим туфайлидир, — дейди Шуҳрат Бозоров. — Ҳар куни тонгда ота-онам мени ишга дуо билан кузатади. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигига шукрона келтиради. Шунинг ўзи бахт эмасми? Мен юртдошларимиз ҳаётининг осуда бўлишига ҳисса қўшаётганлигимдан фахрланаман. Шу эл, шу юрт тинчлиги йўлида хизмат қилиш мен учун шараф!

Шуҳрат Бозоровнинг она Ватан олдидаги хизматлари муносиб баҳоланди. У истиқлолимизнинг 23 йиллик шодиёнаси арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Мухтасар айтганда, юртимизда Шуҳрат сингари она Ватанга ҳамда халқига фидойи, ўз касбининг устаси бўлган милиционерлар жуда кўплаб топилади. Улар юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаёт кечиришлари учун жонини фидо қилишга тайёр. Демак, кунларимиз осойишта, тунларимиз ҳамиша бехавотир бўлади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

*Нукусда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунига бағишланган волейбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.*

## МАҲОРАТ, ЭПЧИЛЛИК ВА ЗУККОЛИК БАҲСИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Ёнғин хавфсизлиги, Қўриқлаш бошқармалари, вазирлик таркибидаги бир қатор хизматлардан тузилган 14 та эркаклар ва 7 та хотин-қизлар жамоалари иштирок этишди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳудудларимизнинг осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини сақлашдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келаётган осойишталик посбонлари спортда ҳам ўз маҳоратини намойиш этишди.

Эркаклар ўртасида бўлиб ўтган мусобақа Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 9-тергов қамоқхонаси ходимлари, аёллар ўртасидаги баҳсларда 71-ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси жамоаси бош совринни қўлга киритди.

Мусобақада фаол иштирок этган бир гуруҳ ички ишлар ходимлари рағбатлантирилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

# ОЛТИН КУЗДА ОЛТИН МЕДАЛЛАР ЁМҒИРИ

ПАРАОСИЁ – 2014

INCHEON 2014
ASIAN PARA GAMES

**Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилаётган Параосиё ўйинлари муросасиз беллашувларга бойлиги билан мухлислар қалбида сақланиб қолмоқда. Қизғин кечаётган мусобақаларда қитъамизнинг кучли параолимпиячилари рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишмоқда. Унда иштирок этаётган спортчиларимиз юртимиз байроғини бир неча маротаба юқорига кўтаришга муяссар бўлишаётир.**



Жумладан, спортнинг енгил атлетика тури бўйича ўтказилган мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртларимиз 200, 400 ҳамда 800 метр масофага югуришда рақиблари устидан ғалаба қозониб, 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритишди.

200 метр масофага югуриш (Т 13) мусобақасида марра чизиғини биринчилардан Фахриддин Ҳамроев кесиб ўтди ва Параосиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. Бу Фахриддиннинг навбатдаги олтин медали. Бунгача у 800 метр масофага югуришда биринчи олтин медални ўз ҳисобига ёзиб қўйганди. Шунингдек, ушбу масофага (Т 11) югуришда вакилимиз Миран Сахадов ҳам кумуш медални делегациямизга қўшиб қўйди. Беллашувларда 800 метр масофага югуришда (Т 46) иштирок этган Маъруфжон Муродиллаев иккинчи олтинни ҳадя этди. У шу билан бирга Параосиё ўйинларида рекордни янгилашга муваффақ бўлди. Эслатиб ўтамиз, Маъруфжон 1500 метрга югуриш бўйича ўтказилган мусобақада олтин медалга эга бўлиш билан бирга, янги рекордни қайд қилган. Худди шу масофага югуришда (Т 12) финал босқич иштирокчиси Сирожиддин Норов Параосиё мусобақасида бронза медалига эга бўлди. 400 метрга югуриш (Т11-13) бўйича ўтказилган баҳсда эса кучли тўртлик – Миран Сахадов, Дониёр Солиев, Улуғбек Чориев ҳамда Фахриддин Ҳамроевлар 44:25 сония билан навбатдаги олтин медални юртимиз ҳисобига қўшишди. Шу ўринда айтиш жоизки, енгил атлетикачиларимиз ҳисобида жами 12 та, 7 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медаль мавжуд.

Айни пайтда делегациямиз **21 та олтин, 4 та кумуш ҳамда 3 та бронза** медаллари жамғаришган. Ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 5-ўринда боришмоқда.

**Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ**

ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



# ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?



**Фарзандимиз йўқлиги сабабли қариндошимизнинг фарзандини унинг розилиги билан боқиб олиб, тарбияламоқчимиз. Ҳозирда фарзандликка олиш тўғрисидаги қарор судлар томонидан чиқариладими ёки ФҲДЁ органлари томониданми?**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-боби ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддаси янги таҳририга мувофиқ, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида ФҲДЁ органи фарзандликка олинган боланинг туғилиш қайд этилган далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади ва янги гувоҳнома беради.



**Қайси ҳолларда фарзандликка олишни бекор қилиш мумкин?**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 169-моддасида "Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари" кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳолларда фарзандликка олиш ҳақидаги қарор бекор бўлиши мумкин:

Ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товласа ёки уларни лозим даражада бажармаса;

Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлса;

Фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлса;

Муттасил ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

Фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилиниши мумкин.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақли.



**Такроран фарзандликка олиш мумкинми?**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 162-моддасига мувофиқ "Болани такроран фарзандликка олиш" тартиби белгиланган бўлиб, фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи суд қарори суд тартибида бекор қилинганидан кейингина боланинг такроран фарзандликка олинишига йўл қўйилади.

**Саволларга Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Р.ПАНОЕВА жавоб берди.**

○ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**АГРОТЕХНИКА**
~ Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Прессподборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур
(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида



ТЕХНОПАРК
**ШОШИЛИНГ, ЧЕГИРМАЛАР!**
Тошкентдаги омборхонадан турли хилдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этамиз:
1. Экскаватор-погрузчиклар ЭП-25 (МТЗ 82.1)
2. Фронтал погрузчиклар П-11 (МТЗ 1221)
3. Пресс-подборшиклар (PVP-351 Claas лицензияси асосида)
4. Тракторлар (МТЗ Беларус)
5. Омочлар
6. Картошка экиш сеялкаси ва картошка ковлаш агрегати
7. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари
**Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.**
**Лизинг хизматлари мавжуд.**
Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Халқаро Бизнес Маркази 3-қават.
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 205-01-20, (+99894) 666-67-10, (+99890) 990-78-80.
Омборимиз манзили: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҲАЙ Янгиобод бозори яқинида (Promzona.uz).
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.



Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SELLING SPICE" МЧЖнинг (ИНН 302959347) ташкилий-ҳуқуқий шакли "SELLING SPICE" ХКга ўзгартирилмоқда.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 009472-10, 02.10.2014 й.) давлат рўйхатига олинган "QOSIM-SARDORBEK-BIZNES" МЧЖ (СТИР 303061484) 21.10.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Даъво талаблари 1 ой муддат ичида Тошкент ш. Юнусобод т. 15-мавзе 37-уй 19-хонадонда қабул қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 008546-10, 26.08.2013 й.) давлат рўйхатига олинган "FRIED FISH" МЧЖ (СТИР 302692017) 15.10.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Даъво талаблари 2 ой муддат ичида Тошкент ш. Юнусобод т. 16-мавзе 18-уй 87-хонадонда қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (11.03.2013 й., реестр № 07-000885) қайта рўйхатга олинган "MIRHALIL OTA-SAVDO MARKAZI" МЧЖ Устав жамғармаси 9 925 240 сўмдан 4 500 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1019, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.15 16097 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5